


**Фарғона вилояти**



# 327 миллион

## СЎМДАН ОРТИҚ ИШ ҲАҚИ УНДИРИЛДИ

Касаба уюшма аралашгач...

**Жиззах вилояти**

## ЗАРАР ТЎЛИҚ ҚОПЛАНДИ

Хайрулло Маҳкамов кўп йиллар Шароф Рашидов тумани тиббиёт бирлашмасида навбатчи шифокор лавозимида ишлади. Аммо 2021 йил 1 март куни иш вақтида бахтсиз ҳодисага учраб, иккинчи гуруҳ ногирони бўлиб қолди.

Мазкур ҳолат Бандлик бош бошқармаси буйруғи асосида тузилган махсус комиссия томонидан ўрганилиб, ишлаб чиқариш билан боғлиқ ҳодиса, деб топилди ва иш берувчидан жабрланувчи фойдасига 60 775 848 (олтмиш миллион етти юз етмиш беш минг саккиз юз қирқ саккиз) сўм зарар пулини ойма-ой тўлаб бериш белгиланди. Лекин иш берувчи жабрланувчига ушбу маблағни белгиланган муддатда тўлаб бермади. Фўқаронинг Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Жиззах вилояти кенгашига қилган мурожаатидан сўнг иш судга оширилди. Суд Хайрулло Маҳкамов фойдасига ойма-ой тўланган зарар пули 60 775 848 сўм ҳамда маънавий зарар учун 2 000 000 ундирилиши тўғрисида ҳал қилув қарорини чиқарди.

**Муқимбой ИСМОИЛОВ**  
«ISHONCH»

Мехнат кодексининг 161-моддасида «Мехнатга ҳақ тўлаш муддатлари жамoa шартномаси ёки бошқа локал норматив ҳужжатда белгиланади ва ҳар ярим ойда бир мартадан кам бўлиши мумкин эмас» деб белгиланган. Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Фарғона вилояти кенгаши томонидан Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти ректорига ҳамда Қўқон қишлоқ хўжалиги ва технологиялари техникуми директори-га Мехнат кодексининг 9-моддаси ҳамда «Касаба уюшмалари тўғрисида»ги қонуннинг 35-моддаларидан келиб чиққан ҳолда ходимларнинг 2022 йилнинг июль, август, сентябрь, октябрь ва ноябрь ойлари учун тўланмай келинаётган 327 миллион 764 минг сўмдан зиёд иш ҳақларидан бўлган қарздорликни тўлаб бериш юзасидан тақдимнома киритилди. Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти ректори томонидан тақдимнома қаноатлантирилиб, ходимларга иш ҳақлари тўлиқ тўлаб берилди.

**Лолахон АҲМЕДОВА,**  
Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Фарғона вилояти бўйича масъул ташкилотчиси

**МУНОСАБАТ**  


**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОННИНГ ЮТУҒИ – БУТУН ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЮТУҒИДИР**  


**БИРЛАШНИНГ ФУРСАТИ КЕЛДИ**  


**ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ – БУ ОДДИЙ МАСАЛА ЭМАС**  


**>>> 2**

**Қашқадарё вилояти**



## ЎШЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ

Тадбирда касаба уюшмалари Федерацияси раиси ўринбосари Қобилжон Қирғизалиев, Федерациянинг Қашқадарё вилояти кенгаши раиси Бахтиёр Жўраев, маслаҳатчиси Эсон Ражабов, вилоят ҳокими маслаҳатчиси Январ Иноятовнинг мақсад сари интилиш, ватан ва халқ манфаати йўлида яқдил бўлиш, турмушда учрайдиган қийинчиликларни енгиб ўтиш ҳақидаги ҳаётбахш ҳикоялари ёш авлодда катта таассурот қолдирди. Ўз навбатида, ўқиш ва жамоат ишларида фол йигит-қизларнинг таклиф ва мулоҳазалари тингланди. Ёш авлод вакилларининг ижодий ишлари, изланишларини ўзида акс этган кўргазма ҳам барчанинг эътиборини тортиди.

Учрашувда Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти талабаси Нигорахон Пулатова ҳамда «Қашқадарё минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати» давлат унитар корхонаси котиби Бахтишод Кенжаева «Касаба уюшма стипендианти» сертификатлари топширилди.

**Акмал АБДИЕВ**  
«ISHONCH»

**Халқаро ҳамкорлик**

## Дўстлик ва ҳамкорлик келишуви

Ўзбекистон Кимё ва фармацевтика саноати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши делегацияси Миср умумий кимё саноати ходимлари касаба уюшмаси таклифига биноан Миср Араб Республикасига ташриф буюрди.

Ташрифнинг биринчи кунда Ўзбекистондан борган тармоқ касаба уюшмаси вакиллари билан Мисрдаги турдош тармоқ касаба уюшмаси раҳбари Эмад Ҳамди Али Ҳамдан ва касаба уюшмалари фаолларининг учрашуви бўлиб ўтди.

Самимий, дўстона ва ишчанлик руҳида ўтган учрашув давомида икки томонлама ҳамкорлик алоқалари йўналишлари муҳокама этилиши билан бирга «Дўстлик ва ҳамкорлик келишуви» имзоланди.


Ташрифнинг иккинчи кунда эса Ўзбекистон Кимё ва фармацевтика саноати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши делегацияси Эмад Ҳамди ҳамроҳлигида Адександрия шаҳрида жойлашган «ABU QIR FERTILIZERS» АЖ бошлангич касаба уюшмасига ташриф буюриб, корхона раҳбари Абед Эрегал, касаба уюшма қўмитаси раиси Аҳмед Ямани ва корхона касаба уюшмаси фаоллари билан учрашувда иштирок этдилар.

Учрашув давомида делегация аъзолари мазкур корхона ҳамда бошлангич касаба уюшмаси фаолияти билан танишдилар. Шунингдек, меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва меҳнат соҳасидаги ҳуқуқлари ҳимояси йўналишларида олиб борилаётган ишлар бўйича ўзаро тажриба алмашилди.

**Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА,**  
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси матбуот хизмати раҳбари



**Наманган вилояти**



## Умматова ишдан ноҳақ бўшатирилган эди

НОРИН ТУМАНИ «МАРҒИ-ЗОР» МАҲАЛЛА ФУҚАРОЛАР ЙИГИНИДА АЁЛЛАР МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА ИШЛАБ КЕЛГАН ОДИНА УММАТОВА ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ МАЙ ОЙИДА ИШ БЕРУВЧИНИНГ ТАШАББУСИ БИЛАН БЎШАТИБ ЮБОРИЛГАН ЭДИ.

Ходим билан тузилган меҳнат шартномаси у фаолият олиб бораётган ташкилот қайта тузилгани, номи ва унинг функциясида бирмунча ўзгаришлар бўлгани важдан бекор қилинган. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Наманган вилояти бўйича меҳнат-ҳуқуқ инспектори ушбу ишни ўрганиш чоғида иш берувчи томонидан бир қатор хатоликларга йўл қўйганини аниқлади.


Амалдаги Меҳнат кодексининг 98-моддасида «Корхона мулкдори алмашганда, худди шунингдек, корхона қайта ташкил этилганда меҳнат муносабатлари ходимнинг розилиги билан давом этаверади», деб белгиланган. Шу билан бирга, «Корхонанинг бир орган бўйсунувидан бошқа орган бўйсунувига ўтказилиши меҳнат шартномасининг амал қилишини тўхтатмайди» дейилган.

Шунингдек, қонунчиликда ходимни иш берувчининг ташаббуси билан меҳнат шартномаси бекор қилинаётганда албатта, касаба уюшма қўмитасининг розилиги олиниши зарурлиги алоҳида таъкидлаб ўтилган.

Юқоридаги ҳолатлар судда кўриб чиқилиб, Одина Умматовани ишга тиклаш ва мажбурий бекор юрган кунлари учун иш ҳақи ундириш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилинди.

**Орзуғул РУСТАМОВА**  
«ISHONCH»

**Келгуси сонларда ўқинг...**

**ХЕЛЛОУИН ҚАНДАЙ БАЙРАМ?**

**БУГУНГИ ЎҚИТУВЧИ ҚАНДАЙ БЎЛИШИ КЕРАК?**

**«ПАХТАЛИСОЙ»ДА ҲАМОН КЎПРИК ҚУРИЛГАНИ ЙЎҚ...**



# Қорақалпоғистоннинг ютуғи – бутун Ўзбекистоннинг ютуғидир



**2022 йилнинг 20 декабрь куни ҳаммамиз Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга ва Ўзбекистон халқига йўллаган Мурожаатномасини зўр қизиқиш билан тингладик.**

Давлатимиз раҳбари ўз Мурожаатида давлат ва жамиятимизни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари, келгусида ҳар бир соҳада бажариладиган ишларнинг кўлами ва уларни амалга ошириш йўлларини кўрсатиб ўтдилар. Мен ҳам сенатор ва Қорапалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутати сифатида Мурожаатномани тинглар эканман, давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан Оролбўйини, шу жумладан, Мўйноқ туманини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишларни кўз олдимга келтирдим. Сўнгги йиллар ичида фақат Қорақалпоғистон Республикаси бўйича бир қатор фармон ва қарорлар қабул қилинди.

Давлатимиз раҳбари ўз Мурожаатида Қорақалпоғистон Республикасига алоҳида тўхталди. Қайд этилганидек, ҳаммамиз кўриб-билиб турибмиз – бугун инсоният ниҳоятда мураккаб даврни бошидан кечирмоқда. Ер юзиде иқлимнинг кескин ўзгариши, сув ва бошқа табиий ресурслар камайиши билан боғлиқ муаммолар катта хатарларга айланмоқда. Қорақалпоғистонда шу йил ёз ойида содир бўлган ноҳуш воқеалар бутун эл-юртимизни қаттиқ қайғуга солди. Худого шукр, кўп мил-

латли халқимизнинг оқиллиги ва донишмандлиги билан вазият тезда изга тушди.

«Биз учун «Қорақалпоғистоннинг ютуғи – бутун Ўзбекистоннинг ютуғи, Қорақалпоғистоннинг ташвиши – бутун Ўзбекистоннинг ташвиши» деган ғоя ҳамиша амалий ҳаракат дастури бўлиб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Бизнинг эзгу мақсадимиз – биргаликдаги меҳнатимиз билан Янги Ўзбекистонда ҳар томонлама ривожланган, обод ва фаровон Янги Қорақалпоғистонни бунёд этишдир» деган фикрлари ҳар бир қорақалпоғистонликнинг қалбига ғурур ва ифтихор бағишлади, десак муболаға бўлмайди.

Дарҳақиқат, асрлар давомида эт ва тирноқ каби бир бўлиб кетган халқларимиз дўстлигига ҳеч қандай куч таъсир кўрсата олмайди. Чунки бизнинг ўтмишимиз бир, бугунимиз ҳам, келажгимиз ҳам бирдир.

Бугун Президентимиз раҳбарлигида Қорақалпоғистонда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 25 октябрдаги «2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғри-

сида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси шаҳар ва туманлари ҳудудларини обод қилиш, қишлоқ ва маҳаллаларда инфратузилма билан боғлиқ энг долзарб масалаларни тизимли ҳал этиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

**2022-2026 йилларда Орол денгизининг суви қуриган туби ва Оролбўйи ҳудудларида 1000 гектар майдонда «Яшил қопламалар» – ҳимоя ўрмонзорларини барпо этиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 18 январдаги «Орол денгизининг суви қуриган тубида ва Оролбўйи ҳудудларида «Яшил қопламалар» – ҳимоя ўрмонзорлари барпо этишнинг қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Ҳозирги кунда Орол денгизининг қуриган тубида 100 минг гектар майдонда саксовул, қорабуроқ, қандим ва бошқа тузга чидамли ўсимликларни экиш ишлари олиб борилмоқда.**

Оролбўйининг мавжуд ижтимоий-иқтисодий, шу жумладан, ишлаб чиқариш ва инвестиция салоҳиятидан самарали фойдаланиш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш ва юқори қўшилган қийматга эга рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбат-

Улўбек  
ЖАЛМЕНОВ,  
Ўзбекистон қасаба  
уюшмалари  
Федерацияси  
Қорақалпоғистон  
кенгаши раиси,  
сенатор



деб танлаб олинган йирик инвестиция лойиҳасини амалга оширувчи инвесторларга ер участкаларини тўғридан-тўғри ижарага бериш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 16 январдаги «Қорақалпоғистон Республикасининг Мўйноқ туманини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, 2019-2021 йилларда жами 105 та лойиҳани амалга ошириш орқали 2179 та янги иш ўрни яратилиши белгиланган эди. Шундан 176 миллиард 712 миллион сўмлик инвестиция ўзлаштирилиши ҳисобидан 78 та лойиҳани амалга ошириш орқали 451 та янги иш ўрни яратилди.

2022-2026 йилларда Орол денгизининг суви қуриган туби ва Оролбўйи ҳудудларида 1000 гектар майдонда «Яшил қопламалар» – ҳимоя ўрмонзорларини барпо этиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 18 январдаги «Орол денгизининг суви қуриган тубида ва Оролбўйи ҳудудларида «Яшил қопламалар» – ҳимоя ўрмонзорлари барпо этишнинг қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Ҳозирги кунда Орол денгизининг қуриган тубида 100 минг гектар майдонда саксовул, қорабуроқ, қандим ва бошқа тузга чидамли ўсимликларни экиш ишлари олиб борилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг топшириғига мувофиқ, мамлакатимизнинг вилоятлари Оролбўйини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш мақсадида Қорақалпоғистондаги туманларга бириктирилган. Бугунги кунда вилоятларнинг амалий ёрдамида ҳамкорликда қатор лойиҳалар амалга оширилиб, аҳоли манфаати учун фойдаланишга топширилмоқда.

Биз жонажон Ватанимизнинг хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини таъминлашга ҳар томонлама қодирмиз. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, тинч ва осойишта ҳаётимизни асраб, мустақиллигимизни мустаҳкамлаб, барқарор тараққиёт йўлимизни жадал давом эттирамиз!



Шахноза СОАТОВА,  
журналист,  
жамоатчилик  
фаоли

**Президентнинг Парламентга мурожаати – юртимизда сўнгги йилларда шаклланган ижобий анъана. Мазкур воқеа ортида давлат раҳбарининг шу мамлакат тақдирига масъул шахс сифатидаги фикрлари, қарашлари ва режалари билан бир қаторда, давлат сиёсатининг келгуси йилдаги асосий мўлжаллари баён қилинади.**

Бу сафарги Мурожаатнома лўнда, аниқ, йўлланаётган муждаларнинг очик-аёнлиги билан эсда қолса керак. Шахсан мен «Конгресс-холл»да ўтириб, Президент нутқидан иқтибосларни ўз телеграм каналимда ёришиб борар эканман, ҳеч бир нокулайлик, қийинчилик сезмадим. Яъни, жумлалар қисқалўнда, гаплар аниқ, муносабат тиниқ, эслаб қолишга осон.

2023 йилнинг «Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили» деб эълон қилинишини 2022 йилги «Инсон қадри ва фаол маҳалла йили»нинг мантиқий давоми деб билдим. Зеро, инсон қадри бир йилда тикланиб, юксалиб қоладиган нарсас эмас. У доим устуворликда бўлгани, давлат сиёсатининг асосида туриши мантиқли ва умидбахш мужадидир.

Президент ўз нутқини аҳоли сони ўсиши билан бошлади. Йилига қарийб 900 минг нафар янги авлод қўшилаётгани табассум ва кўтарин-

## Бирлашиш фурсати келди

килик билан эълон қилинди. Чиндан ҳам, бизнинг энг катта ресурсимиз ва бойлигимиз – бу халқимиз – меҳнаткаш, интилувчан, тадбиркор одамларимиздир.

Мурожаатномада ҳукумат қисқариши, Парламент жонланиши, таълим, энергетика, радикализм билан боғлиқ масалалар янгради. Шунингдек, маданият, она тили, зиёлиларга эътибор, жадид боболаримиз меросини ўрганиш масалалари ҳам тилга олинди. Яъни, бугунги кунда жамиятимизни кўп ўйлантираётган, қийнаётган масалалар бўйича 2023 йилда давлат сиёсати қандай бўлиши ҳақида маълум қилинди.

Хусусан, «Чет тилларини билиш керак, аммо она тилини билишга мажбур» деган муҳда бугун ижтимоий тармоқларда, матбуотда муҳокама қилинмоқда. Ўзбекистон аҳолисининг катта қисмини ўзбек миллати ташкил этиши ҳисобга олинса,

ушбу гап асосан ўзбек тили ҳақида бораётганини англаш қийин эмас. Демак, тегишли тизимлар олдида келгуси йилда давлат тилини кенг аҳоли қатламига ўргатиш масаласи турибди. Мен қизиқиб кўрдим, қўшни Қозоғистонда қозоқ тилини бепул ўргатувчи 26 та онлайн ресурс бор экан. Демак, бизнинг бу борада қиладиган ишларимиз ҳали талай.

Президентимиз жадид боболаримизни тилга олар экан, «уларнинг кураши» иборасини алоҳида таъкидлади. Чиндан ҳам, оқим бўйлаб сузиб, мен учун ҳам бошқалар ишласин, бош-

қалар куйсин деб, шоли ортидан курмакдек сув ичишни кўзлаш даври ўтди. Биз аҳоли сонига кўра йирик бир халққа айланиб бораётган эканмиз, энди мақсадларимиз ҳам йириклашиши ва бу йўлдаги курашларимиз ҳам жонланиши керак. Боқимандалик, ўзибўларчилик бизга ярашмайди. Фаровон турмуш ва ҳуқуқий давлат учун барчанинг ҳиссаси зарур.

«Келгуси йил иқтисодиётимизда энергияни иқтисод қилиш йили бўлади» – бу яна бир муҳим мўлжал. Президент энергия ресурсларини иқтисод қилишни аввало саноат корхоналари олдида вазифа қилиб қўймоқда. Аҳолини эса даромадларини ўйлапти: «Ҳозир энергияни бозор нархига қўйворсак, одамлар қандай тўлайди? Қийин бўлса ҳам, халқимизнинг жон бошига даромадларини ҳисобга олиб, ижтимоий ҳимояни кучайтириб, босқичма-босқич бозор нархларига ўта-миз» дейилди Мурожаатномада.

Демак, энергияни тежаш ҳақида ўйлашимиз керак, бугун бўлмаса, эртага даромадларимизга қараб чироқ, газнинг нархлари ҳам босқичма-босқич ортиб бориши мумкин. Бироқ газ-свет тақчиллиги барҳам топади – шу эмасми асосий мақсад?

«Биз ҳар қандай радикаллашувга қаршимиз» – бу яна бир муҳим гап. Бизнинг буюк боболаримиз Бухорий, Термизий, Мотурудийлар исломнинг инсонпарвар ғояларини тарғиб қилишган. Инсонпарвар ислом – бу сен ундайсан, мен бундай деган бўлиб юборувчи, бахсларни келтириб чиқарувчи эмас, бирлаштирувчи ғоядир. Ўзбекистон эса уйғун дунёвий, демократик ривожланиш йўлини танлаган.

Сўзим ниҳоясида Мурожаатномадаги мана шу янгиликни эътироф этишим керак – инфографикаларни яхши қилишибди. Биринчидан, эсда қолади. Иккинчидан – намуна бўлади. Кўриб қўйинлар, инфографика шунақа бўлиши керак. Вижи-вижи майда расмлар, катта матнлар билан ясалган рангли плакат инфографика эмас.

## Инсон ҳуқуқлари – бу оддий масала эмас

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга ва халқимизга Мурожаати катта ғоя ва лойиҳаларга бой бўлди. Мурожаатномада олтига йўналиш бўйича кўплаб таклифлар тақдим этилди. Мен шу олтига йўналишдан инсон ҳуқуқлари, ҳуқуқий тизим ва суд тизими ислохотлари борасида билдирилган таклифларга тўхталишни истардим.

Хар бир давлатнинг глобал репутацияси бўлади. Ташқи дунё, конкрет бирон давлатнинг образи ҳақида сўз юритганда, ушбу давлатда «оддий инсонга муносабат қандай?» деган саволдан бошланади. Шунинг учун «инсон ҳуқуқлари» – бу оддий масала эмас, балки давлатнинг энг чуқур тафаккурини, зеҳниятини, дунёқарашини, сиёсий тизим табиатини очиб берувчи масала ҳисобланади. Баъзи давлатлар «инсон ҳуқуқлари» масаласини – давлат легитимлигини сўндирувчи восита сифатида кўради, холос. Мана шундай давлатлар сирасига тушиб қолиш – ушбу давлатларнинг минтақавий ва глобал репутациясига, қолаверса, салоҳиятига аянчли таъсир қилувчи омил ҳисобланади.

Президент томонидан инсон ҳуқуқлари, ҳуқуқий тизим ва суд-ҳуқуқ ислохотлари борасида жуда долзарб ғоялар, таклифлар, лойиҳалар айтилди. Жумладан, тинтув ўтказиш, телефон сўзлашувларини эшитиш ва мулкни хатлашга санкциялар бериш, прокуратурадан судларга ўтказилади; терговчи жиноятга алоқадор деб, ҳеч қандай мулкни хатлаб қўя олмайди – бу борадаги ҳар қандай ҳаракатлар суд ҳукми билан амалга оширилади; вақтинчалик ушлаб туриш жойларида инсон ҳуқуқларини бузилишини олдини олиш мақсадида, ҳисобга олишнинг онлайн тизими жорий этилади ва юзни таниш ускуналари ўрнатилади.

Қолаверса, судларга жиноят иши фақат айблов хулосаси билан эмас, балки



Камолiddин  
РАБИМОВ,  
сиёсатшунос

ҳимоячи фикри билан бирга қабул қилинади. Агар мабодо айбланувчи ҳимоячидан воз кечадиган бўлса, бу ҳолат прокурор ва суд томонидан синчковлик билан ўрганиб чиқиладиган тизим жорий этилади. Судда ишларни кўришда қатнашадиган алоҳида прокурорлар корпуси шакллантирилади.

Бошқа кўплаб долзарб таклифлар кiritилишди, бу ўзгаришлар Ўзбекистон жамиятидаги ҳуқуқий тизим билан боғлиқ бўлган муаммоларни жиддий бир шаклда қаналлаштириши, жамиятнинг давлат тизимига, жумладан, суд тизимига ишончини орттириши керак.

Глобаллашган дунё – бу муқобилликлар даври. Инсонлар онгига эса адолат – фундаментал тушунча. Жамият ўзининг муаммоларига адолатли ечим топса, ва давлат ўзининг ҳуқуқий ечимини адолатли эканлигига шубҳа қолдирмаса, давлат ва жамият ўртасидаги ишонч ниҳоятда мустаҳкам бўлади.

Шавкат Мирзиёев адолатли, самарали ва тезкор ҳуқуқий тизимни яратишни Ўзбекистон барқарорлиги ва тараққиёти учун стратегик вазифа сифатида кўриб келади.

Постсовет ҳудудиде иккинчи йирик давлат ҳисобланиши Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ тизимининг самарали ишлаши – ижтимоий тафаккурни эркинлаштириши ва мўътадиллаштириши, миллий бойлик яратиш жараёнини тезлаштириши керак. Президент томонидан бу борада билдирилган таклифлар ниҳоятда қимматли.

Эндиги масала – ушбу таклифларни ҳаётга давлат раҳбари айтган руҳиятда ва шаклда жорий қилиш ва таклифларни қадрсизланишига имкон бермаслик ва натижада, ҳаммамиз учун қўлай бўлган – эркин ва фаровон Ўзбекистон қуришни тезлаштириш ҳисобланади.



**Биринчи воқеа.** Болалигимда нимадир бўлди-ю отам буюрган ишни бажармай, футбол ўйнагани кетиб қолдим. Кечкурун уйга келишим биланоқ отам мени ёнига чақириб, «Иккинчи бунақа ўзбошимчалик қилма. Катталарнинг айтганини қилишга ўрган. Улар сени ҳеч қачон ёмон йўлга бошламайди», деди. Шу-шу, мен ҳамиша ўзимдан катталарнинг, айниқса, оқсоқолларнинг айтганларини сўзсиз бажаришга ўрандим.

**Иккинчи воқеа.** Касбим тақозосига кўра, яқинда олис туманда бир раҳбарнинг кўчма қабулида бўлдим. Бу ерга йигилганларнинг аксарияти ўзига яраша муаммо билан келган, лекин ораларида ўша маҳаллий амалдорнинг оила аъзолари ёки бирорта яқин қариндоши йўқ эди. Худди шундай ҳолатга яна 3-4 та тadbбир жараёнида гувоҳ бўлдим.

**Учинчи воқеа.** Бундан 2-3 йил олдин халқ депутатлари маҳаллий кенгашларига ўтказилган сайловлар арафасида фуқаролар ва номзодлар билан учрашиб, суҳбатлашимга тўғри келди. Шунда бир киши мендан «Бир партия ҳисобида турган мансабдор бошқа партияга раҳбарликка ўтиб кетаверадими?» деб сўраб қолди. Мен «Бу мумкин бўлмаса керак», дедим. У эса яқинда вилоят партия кенгашларидан бирида шундай бўлганини айтди ва ортидан «Катталарга ҳамма нарса мумкин бўлса керак-да?» дея истеҳзоли кулимсираб қўйди.

#### КАТТАЛАР ҲАМИША ҲАҚ... МИ?

Энди оқоридаги воқеаларни бир мулоҳаза қилиб кўрайлик. Ойлада болаларни ёшлигиданоқ катталар гапига киришга, уларнинг маслаҳатига қулоқ солишга ўргатиш халқимизга хос миллий қадриятлардан саналади. Аммо собиқ шўролар мафкураси бу гўзал анъанани сал бошқачароқ талқин қилиб, қулоқларимизга қўйди: «Катталарнинг айтгани – қонун. Уни бажариш шарт! Катталар ҳамиша ҳақ, уларнинг ишга аралашма» ва ҳоказолар.

Шубҳасиз, ўша давр «катта»лари партия ва совет ташкилотларининг савлатидан от ҳуркадиган қориндор раҳбарлари эди. Улар чиройли, оқ «Волга»ларда юрар, қаерга борсалар, иззат-икром билан қарши олинарди.

Бундай одамларнинг давраси, яшаш тарзи ҳам мутлақо бошқача, ўзига хос дунёси баланд деворлар билан ўраб олингандек эди. Уларнинг бўй етган ўғиллари ҳам бирорта катта лавозимли мансабдорнинг қизини «севиб» қолар, икки «катта» бир-бири билан қудда-анда тутинар, тўй-маъракалари ҳам ўзларига ўхшаш кишилар иштирокида ўтарди.

Хўш, эндиликда-чи?.. Бугун замон ҳам, одамларнинг дунёқараши ҳам ўзгарди. Аммо «катта»лар деярли ўзгармади. Акс ҳолда, айтинг-чи, минглаб одамлар қатнашадиган кўчма қабулларда нега бирорта амалдорнинг қариндоши кўринмайди? Нима, уларнинг муаммоси йўқми? Ёки бор бўлсаям, дардларини ичига ютиб жимгина яшаяптими?

Йўқ, ундай эмас. Чунки уларда, аввало, элга дастурхон қиладиган даражада муаммонинг ўзи бўлмайди. Бори ҳам телефон орқали айтилган бир оғиз гап билан ҳал этилади. Назаримда, уларнинг ҳаёти ҳозир ҳам кўз илғамас девор билан ўраб олингандек. Шунданми, бирорта маҳаллий раҳбар, ҳоким, ўринбосарлари, прокурор, ички ишлар, солиқ инспекцияси бошлигининг оила аъзолари, ака-укалари рўзго-тебратиш

у ч у н



меҳнат ярмаркасига иш излаб чиқишмайди. Бошлигининг ноқонуний буйруғини бажармагани учун ишдан олинмайди.

Хуллас, буёғи – қариндош-уруғчилик. Бу ерда мен эл дардида юрган юртпарвар раҳбарларни назарда тутаятганим йўқ.

#### ЙИҚИЛАДИГАН ЖОЙЛАРИГА ЁСТИҚ ТАШЛАБ ҚЎЙИШАДИ

Дарвоқе, маҳаллий амалдорларнинг аксарияти йиқиладиган жойига юмшоқ ёстиқ ташлаб қўйишни ҳам унутишмайди. Ишонмасангиз, хоҳлаган мансабдорнинг мол-мулкни бир суриштириб кўринг. Гектар-гектарлаб интенсив боғ ёки кўша-кўша дўконлар дейсизми, хусусий корхона ёки ёнилғи қуйиш шоҳобчаси дейсизми – ҳаммаси бор. Оддий одамлар бу ишни қила оладими? Йўқ! Чунки атрофидagi «наҳанг»лар уларни бир зумда еб қўйишади.

Амалдорлар бу объектларни ҳар эҳтимолга қарши бирор узокроқ қариндоши номига расмийлаштириб қўяди. Сабаби, одамлар назаридан ҳайиқишади. Бир кун лавозимдан қуласа, ўша юмшоқ пар ёстиқлар устига тушади.

Яқинда шундай собиқ «катта»лардан бири билан суҳбатлашиб қолдим. Унинг айтишича, ҳозир «атиғи» 2 та хусусий дўкони, ошхонаси, 2 та газ қуйиш шоҳобчаси, 10 гектар интенсив боғи, битта кичик бозорчаси бор экан. Шуларни «юргизиб» тураркан. Бундан ташқари, контракт асосида ўқиб, диплом олган 5 нафар фарзандининг барчаси турли лавозимларда ишларкан. «Қарийб 25 йил раҳбарликда ишлаб орттирганларим бор-йўғи шулар, холос», деди суҳбатдошим. Мен «Ҳали булар озми?» деб ажаблანгандим, у «Ие, қаерда юрибсиз, ука?.. Менга ўхшаган бошқа «собиқ»ларнинг яшашига бир разм солинг», деди.

Таажжуб, ўша мулозимлар шунча мол-мулкни қаердан олишди? Ҳойнаҳой, улар бу корхона-ю заправкларни «арзимагангина» ойлик маошлари ҳисобидан бунёд этишмаган ёки сотиб олишмагандир.

Коррупцияга қарши кураш агентлиги маълумотларига қараганда, сўнгги икки йил мобайнида мамлакат миқёсида пора билан қўлга тушганларнинг катта қисмини айнан мансабдорлар ташкил қиларкан.

#### ХАЛҚДАН УЗОҚЛАШГАН ХАЛҚ ВАКИЛЛАРИ

Булар-ку, от «устиди»ги амалдорлар дейлик. Лекин ўз сайловчиларига қоп-қоп ваъдалар бериб сайланган депутатлар-чи, улар нима қилишяпти? Қишлоқлар аҳолисини қийнаб келаятган электр токи, табиий газ, суюлтирилган газ, ичимлик сув таъминоти, йиллар оша амаллаб-риб мутлақо яроқсиз ҳолга келиб қолган йўллар муаммоси нимага бу жанобларни заррача ташвишга солмайди?

Мен қишлоқ туманидан парламентга сай-

ланган бир депутатга округидаги муаммоларни айтавериб, у ваъдалар беравериб, иккаламиз ҳам чарчаб кетдик. Охири бу вакил кўнгироқларимга жавоб ҳам бермай қўйди. Яхшиямки, матбуот, газета бор экан. Марказий нашрлардан бирида иккита танқидий мақола чиқарганимдан кейин муаммоларнинг айримлари ижобий ечим топди.

Тўғри, депутатнинг қўлида маблағи йўқ, аммо халқ берган ваколати бор! Бу демак, мутасадди ташкилотлар раҳбарларига сўров юбориб, улардан талаб қилиши мумкин. Амалда нималар бўлаяпти? Сайлов ўтгандан сўнг қайси депутат ўз сайловчилари билан мунтазам учрашаяпти, одамлар ҳол-аҳолини сўраяпти? Ёки улардан бирортаси ишсиз одамларни ишга жойлаб қўяяпти?..

Мен ўзимча хомхаёл қиламан: агар 10 нафар депутат 10 нафардан кишини ишга жойласа, 10 тадан муаммони ҳал қилиб берса, олам гулистон бўлиб кетарди. Агар халқ вакилларининг ҳаммаси ҳам фаол бўлганида эди, кўчма қабулларга минглаб одамлар келмас эди.

Бу гапларим учун уззукун халқ дарди ва ташвиши билан яшаётган фидойи депутатлар мени кечирадилар, деган умид-даман.

#### ШАХСИЙ МАСАЛА АСОСИЙ ЎРИНДА

Депутатлик мандатини олганларнинг айримлари, энг аввало, яна ўша иш – фарзандлари ва яқинларини ўқиш ёки «яхши жойга» ишга жойлаштириш билан шуғулланаётганлари ҳам сир эмас.

Бир кунчи туман миқёсидаги раҳбар билан суҳбатлашиб тургандим, юқорига сайланган депутатлардан бири кўнги-роқ қилиб қолди. Қисқа салом-алиқдан сўнг ноиб асл муд-даога қўчди: «Хуллас, бизнинг жиянни ўша жойга тез орада қўя оласизми ёки бошқа иш топайлмикми?».

Суҳбатдошим менга бу бир ташкилот бошлигининг ўринбосари лавозими эканлигини айтди. Кейин «Жонга тегди шу депутат. Кунда-кунора кўнги-роқ қилади. Нима, менинг бошқа қиладиган ишим йўқми?» деб анча асабий-лашди.

Янги ўқув йили арафасида қишлоқ туманларидан бири-даги мактаб директори ишдан бўшатилди. Ёши 60 дан ошган бу аёл ўқитувчиларга бериладиган устама ва мукофотларни шахсий манфаати йўлида сарфлашдан ташқари, туман ҳокимлиги томонидан аълочи ўқувчиларга ажратилган стипендияга ҳам кўз тикибди. Буни қарангки, аъло ўқиши ва намунали хулқи учун 200 минг сўм миқдорда стипендия олган юқори синф ўқувчисини «Олган пулингнинг ярмини менга олиб келиб бер», деб дарсдан чиқариб юборишгача етибди.

#### УЛАР ОДДИЙ МАШИНАДА ЮРМАЙДИЛАР

Баъзан мабуот саҳифаларида «Фалончи Фалончиевич одамлар билан бирга фалон жойгача пиёда юрибди» ёки

#### Мулоҳаза учун мавзу

«Фалон қишлоқдаги ночор мактабга борибди» деган мазмундаги хабарларга кўзимиз тушади. Ўзига қўйиб берсангиз, бу хабарни тайёрлаган мухбир шу оддийгина ишни «халқпарварлик» тимсолига айлантириб, раҳбарни пайғамбар даражасига чиқариб қўяди. Чунки мухбир бечора ўша мулозимни ҳар доим қоп-қора «Жип»да юришига ва чиройли биноларгагина киришига кўникиб қолган. Аслида эса бу ерда ҳеч қандай «халқпарварлик» йўқ. Мулозим ўз саломатлиги учун қайғураяпти ва ўз вазифасини бажараяпти, тамом-вассалом!

Шу ўринда яна бир мулоҳаза. Бизнинг амалдорлар ёнилғини тежайдиган ихчам «Нексия», «Кобальт», «Жен-тра» автомобиллари ўрнига негaдир қимматбаҳо, ёнилғи кўп сарфланадиган хорижий «Жип»да юришни хуш кўришади. Ёки сиз бирор маротаба «Матиз» ёки «Спарк» минган амалдорни кўрганмисиз? Энг қизиги, мансабдорларнинг хизмат автомашинасига газ баллони ўрнатиш мумкин эмас экан. Чунки у гадан заҳарланиши ёки газ баллони портлаб, унинг ҳаёти хавф остида қолиши эҳтимолдан холи эмас эмиш...

Бейхитёр ажабланасан киши, нима, хусусий автомо-билларга ўрнатилган газ баллонлари турли нохуш ҳодисаларга сабабчи бўлиши, оддий фуқароларга зарар етказиши мумкинлиги негaдир масъулларни унчалик хавотирга солмайди.

#### ҲАТТО АВТОМАШИНАЛАРИ ҲАМ АЛОҲИДА САҚЛанаДИ

Ҳа, шундай, амалдорларнинг автоуловлари аҳолиникидан ажратилган ҳолда сақланади. Масалан, исталган маҳаллий ҳокимлик ва ҳуқуқ-тартибот идоралари мулозимларининг хизмат машиналари атрофи баланд қора панжара ёки девор билан ўралган бинолар ҳовлисида ёки шу иморатлар олдидаги майдончаларда туради. Мабодо, оддий одам у ерга хусусий автомобилини қўймоқчи бўлса, қўриқчилар қаршилигига дуч келади.

Албатта, амалдору ноиблар орасида қимматбаҳо хизмат машинасидаن фойдаланиш масаласида виждонлилари ҳам бор. Масалан, кескин ва дадил чиқишлари билан ижтимоий тармоқлар қахрамонига айланган депутат Расул Кушербаев ўзига ажратилган «Малибу»дан фойдаланмай, кўпроқ пиёда юрар экан. Афсуски, бундай фидойи халқ вакиллари озчиликни ташкил этади.

#### УЛАР ҲАҚИДА ҚАЧОН ГАПИРИШ МУМКИН?

Бир маъракада туманнинг марҳум раҳбари эсга олинди. Иштирокчилардан бири унинг одамлар норозилигига сабаб бўлган айрим ножўя ишлари тўғрисида ҳам гапирди. Шунда кимдир танбеҳ берди: «Марҳумлар ҳақида ёмон гапириб бўлмайди. Нима эътирозингиз бўлса, тириклигида ўзига айтишингиз керак эди».

Бояғи киши ҳам бўш келмади. «Тирик чоғида ўзингиз ҳам у кишига шу гапларни айтармидингиз? Айтолмасдингиз... Энди бир саволимга жавоб беринг-чи, тириклигида айтолмасак, ўлгандан сўнг гапириш мумкин бўлмаса, бунақа раҳбарлар ҳақида қачон, қаерда бор ҳақиқатни ошкор қиламиз?».

Афсуски, бу савол жавобсиз қолди. Ҳамма бошини эгиб жим ўтирар, аксарияти мана шу аччиқ ҳақиқатга жавоб изларди...

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, биз қайси парда ортига яширинмайлик, аввало, Аллоҳ, қолаверса, одамлар ким қандай яшаётганини кўриб-билиб турибди. Фақат халқимиз жуда андишали ва назаркарда. Ҳар қандай қийинчиликка дош бера олади, бироқ адолатсизликка чидай олмайди. Қолаверса, бу халқ ҳар кимга, айниқса, «катта»ларга бир кунмас-бир кун ўзининг холис баҳосини беради.

Мақолага нукта қўймоқчи бўлиб турганимда, машхур ҳофиз ижро этган қўшиқ сатрлари бейхитёр ёдимга тушди: «Яхшидур аччиқ ҳақиқат, лек ширин ёлғон ёмон...».

Ёр МУҲАММАД



# ШИФОХОНА «ХЎЖАЙИНЛАРИ»

## ёхуд бемор болаларни сувараклардан ким ҳимоя қилади?

**Яқинда фарзандимнинг саломатлигидаги ўзгаришлар туфайли Республика шошилини тиббий ёрдам илмий маркази Бухоро филиалининг педиатрия бўлимида муолажа олдик.**

Ушбу бўлим икки қаватли эски бинода жойлашган. Болалар билан қўшиб ҳисоблаганда, жами саккиз киши қойлашган диққинафас тор палаталар, қийшайган пардалар, кир чойшаблар, деразаларнинг синиқ тутқишлари, бузуқ жўмрақлар, эллик нафардан ортиқ одамга хизмат қилаётган абгор ҳожатхона, даволанувчилар киришига рухсат этилмай қулфлаб қўйилган ювениш хонаси, хуллас айтиб адоғига етиб бўлмас ноқулай шароитлар касалликдан азият чекаётган болага ҳам, асаблари таранг-лашган онага ҳам салбий таъсир кўрсатмасдан қолмайди.

Бу ерда фаолият юритаётган ёши улуг, тажрибали шифокорларнинг меҳнатлари таҳсинга сазовор, албатта. Аммо кези келганда, касалхонадаги беморларнинг кўриниши бир чеккага суриб, қабулхонада навбат кутаётган ўнлаб «клиент»лари билан овора оқ халатли олғирлар ҳам йўқ эмас. Болаларнинг томирига катетер қўйишга масъул ҳамширалар ҳақида ҳам илиқ фикр билдириш қийин. Тўғри, уларнинг тили билан айтганда, болалар, айниқса, чақалоқларнинг «венасига тушиш»

жуда мушкул. Аммо этига нина санчилганида жон аччиғидан чинқариб ийглаётган, мени азоблама деб, ҳамширанинг кўзига нажот истаб термулаётган кичкинтойга бир мартагина қулиб қараш, қўрқма болажомин, ҳаммаси яхши бўлади, деб бироз бўлса-да, тинчлантиришнинг иложи бўлгани ҳолда, қош-қовоғини уйганча, еб юборгудек ўқрайиш шифокорлик одобига ҳам, қасамёдига ҳам тўғри келмайди, назаримда. Ҳатто ҳамширалардан бирига қизалоғимга бироз табассум қилиб қўйса, у тинчланишини айтиб огоҳлантирдим. «Сизни-кига ўхшаган нечта бола билан ишлаймиз, қулишга ҳолимиш бор эканми», дея тўнғиллаганча қошларини чимириб ишида давом этди у. Биргина ширин сўз, илиқ табассум беморни тезроқ соғайишга сабаб бўлувчи кучли восита эканини қачон тушуниб етишад, бизнинг тиббиётчилар, деб ўйлаб қолдим. Балки тиббиёт олийгоҳларида битирувчи курс талабаларига шифокорлик маданияти деган дарс ўтилиши, бемордан илиқ нигоҳи, табассумини қизғанадиган шифокор эғнидаги халатга муносиб эмаслиги олий даргоҳнинг ўзидаёқ тушунтирилиши зарурдир...

Кечкурун соат ўнлар чамаси ҳамширалардан бири залини бошига кўтариб шангиллаганча ҳаммани палаталарга киришга даъват эта бошлади:

– Мамашалар, светларни ўчирамиз, бўлмаса, электрни исроф қилганимиз учун бизни жаримага тортишади(?).

Боласини йиғидан тўхтатолмай қийналаётган оналардан бири жавоб қайтарди: «Чақалоқча йиғлама, қоронғуликдан қўрқма деб қандай тушунтираман, жони оғриб турганида...». Онаизорнинг сўзларини ҳамшира эшитгиси ҳам келмай чимиририлганча дейди: «Ахир онасиз-ку, тушунтиринг-да!...».

Ҳақиқий томоша чироқлар ўчганидан сўнг бошланди. Палата деворлари, пол ва шифт тирқишларидан касалхонанинг ҳақиқий «хўжайинлари» чиқиб кела бошлади.

– Ойи, таракан! – каравотида ўрмалаб юрган ҳашаротдан кўрқиб нағиса ёпишди 10 ёшли Марям. Касалхона «хўжайинлари» болаларнинг сут идиши борми, қайноқ сув сақланган термос борми, дори-дармон солинган пакет борми, ҳамма жойда отасини ҳовлисидек бемалол изғиб юради. Аввалроқ ҳамширалар болаларингизнинг қулоғига пахта тикиб қўйинглр, деб огоҳлантирганида эътибор бермаган эканман. Шошиб чироқни ёққанча суваракларни ўлдиришга тушиб кетдим. Ҳар эҳтимолга қарши қизимнинг қулоқчаларини пахта билан беркитиб қўйдим. Бўлимнинг тозалик ишларига масъул ходими Нигора опани бу ҳашаротларни йўқотиш масаласида саволга тутдим. Бино бир неча марта дориланганига қарамай, суварак балосидан қутилишининг имкони бўлмаётгани, яқинда педиатрия бўлими янги бинога кўчиши ва шундагина бу ҳашаротлардан қуту-

лиш мумкинлигини таъкидлади у. Демак, болаларимиз ҳозирча сувараклар «макони»да муолажа олишга мажбур.

Республика шошилини тиббий ёрдам илмий маркази Бухоро филиалининг кўп-лаб бўлимларида бўлганман. Муассасанинг асосий бинолари замон талаблари асосида янгидан қурилган, жиҳозланган, етарлича шароитлар билан таъминланган. Лекин нега айнан болалар бўлими бу қадар абгор ҳолга келиб қолди? Нега бухоролик болалар бундай шароитларда тез тиббий ёрдам олишга мажбур бўляпти! Бу масалада мутасаддилардан бирор жўяли жавоб эшитишга ишончим комил эмас. Тез орада янги бино ишга тушади, муаммолар ҳал бўлади, босқичма-босқич ҳамма ишларни олиб боряпмиз, деганга ўхшаш жавобларни олишимиз тайин.

Мен эса саволимнинг жавобини ягона сабабда кўряпман – гўдаклар шифохона шароитларидан нолиб бирор жойга арзодод қилишга қодир эмас. Боласининг ёнидаги оналарнинг кўзига эса нуридийдасининг саломатлигидан бошқа ҳеч нарса кўринмайди.

Дарвоқе, суварак муаммоси билан фақат бу касалхонада эмас, балки вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказида ҳам бир неча марта дуч келганман. Келажагимиз эгаларини суварак балосидан ким ҳимоя қилади, деган саволнинг эса жавоби йўқ.

Хулоса ўзингиздан...

Дилдора ИБРОҲИМОВА  
«ISHONCH»



#### Эълонлар

Тошкент вилояти, Тошкент тумани, «Бунёдор» МФЙ, Зарбулоқ 5-тор кўчаси, 1-уйда жойлашган ТСРЎИ томонидан 2014 йил 14 апрелда №001453 рақами билан рўйхатдан ўтган «GLOBAL FITNESS TRADE» МЧЖ (СТПР 302914370) тугатилади.

Давьолар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мuddатда қабул қилинади. Манзил: Тошкент тумани, «Бунёдор» МФЙ, Зарбулоқ 5-тор кўчаси, 1-уй.

Навоий вилояти, Зарафшон шахри, 7-микрорайон, 33-уй учун Холяпина Любовь Николаевна номига 1993 йил 23 июлда берилган №00687 рақамли давлат далолатномаси йўқолгани сабабли бекор қилинади.

АЖ «ARIA SUG'URTA TASHKILOTI»га тегишли бўлган қуйидаги А 005243, А 006132, А 006133, А 006152 рақамли полислар эҳтиётсизлик оқибатида йўқолгани маълум қилинади. Ушбу полислар бўйича АЖ «ARIA SUG'URTA TASHKILOTI» ҳеч қандай жавобгарликни олиб бормайди.





2002 йилнинг июнь ойи. ИЛМИЙ ИШИМ ОХИРЛАБ ҚОЛГАНИ УЧУН УСТО-  
ЗИМ БОЙБЎТА ДЎСТҚОРАЕВНИНГ ТАКЛИФИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ  
ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИСТИКА ФАКУЛЬТЕ-  
ТИГА ИШГА ЎТДИМ. ЎҚУВ ЙИЛИ ОХИРИДА КАФЕДРА БИЛАН ТАНИШИШ МАҚ-  
САДИДА ФАКУЛЬТЕТГА БОРДИМ. ОЗГИНДАН КЕЛГАН, ЖИККАККИНА АКБАР  
НУРМАТОВНИ БИРИНЧИ МАРТА ЎШАНДА КЎРДИМ.

# ЙИГИРМА ЙИЛЛИК ҚАДРДОН

Замондош

Кафедрага кириб келганимда у кишининг менга эътибор ҳам бермай, талабалар билан мавзу бўйича гаплашишда давом этганидан аввалига жажим чикди. «Бунча ўзига бино қўймаса, бу домла? Ахир кафедрасига янги ўқитувчи келяпти. «Ким у, қаердан келди?», деб қизиқмаса-я» деган уй ўтди хаёлимдан. Буни сезгандай Бойбўта ака кафедрадигиларга «бу Назира, кейинги ўқув йилидан биз билан бирга ишлайди», деб таништирди. Акбар ака эса хушламайгина бир қараб қўйди. «Наҳотки, энди шундай такаббур одам билан ишласам...» деб ўйладим. Аммо бу бор-йўғи ўткинчи таассурот экан. Сентябрьдан факультетда иш бошладим. Ортиқча гапирмайдиган, гапирса ҳам қандайдир кулгили воқеани мисол қиладиган ёки албатта, бир реплика ташлаб қўядиган бу домла билан чиқишиб кетдим. Хатто қадрдон бўлиб қолдим. Чунки Акбар ака кўнглида кири, ғарзйи йўқ, юраги тоза, ғалимий инсон эди-да! Тез орада Акбар аканинг маънавий кўмаги, ҳамфикрлиги ва ҳаммаслакчилигини ҳам ҳис қила бошладим.

Факультетда талабалар Акбар Нурматовни жуда яхши кўришарди. Қачон қараса, уч-тўрт талаба қуршовида ниманидир муҳокама қилаётган бўларди. Дарсдан кейин ҳам талабалар кафедрга кўпроқ Акбар акани сўраб келишарди. Унинг талабалар билан буқадар самимийлиги ва яқинлигига ҳавас қилардим. Ўзим ҳам шундай бўлишга интилардим. Акбар ака билан 2009 йилгача бир кафедрда, бир мақомда ишлаб, ака-сингилдай бўлиб қолдик. Мен унинг дастурларини компьютерда ёзишга ёрдам берсам, у менинг дарсларимга кўмаклашарди. Мен жиззакироқ бўлганим учун хаёлимга келганини одамнинг юзига шартта гапириб ташлардим. Акбар ака эса, аксинча, жуда бағрикенг, хотиржам бўлгани учун унча-бунча жажли чиқмасди. Бирор нарсани тушунтироқчи бўлса, гапни ё ҳазилдан, ёки ривоятдан бошларди. Баъзан қаттиқ гапириб юборсам, қовоғини уюб, жавоб беришга ошиқмасди. Хато қилсам, худди синглисини уришгандек сенлаб қойирди. Бу менга ҳеч ҳам оғир ботмасди. Маълум вақтдан сўнг Акбар ака факультетга декан бўлди. Гарчанд у ҳеч қачон мансабга қизиқмаган бўлса ҳам, аммо ундаги салоҳият шу лавозимда ишлашга имконият берди. Ҳаммага бирдай, адолатли раҳбар бўлишга ҳарақат қилди. Қўл остидаги ходимлар аҳолини тушунар, шарт-шароитини ҳисобга

оларди. Энг муҳими, факультетда соғлом мухитни сақлаб қолди. 2015 йилдан университетнинг ўқув ишлари бўйича проректори бўлди. 2017 йилда яна факультетга кафедра мудири сифатида қайтди. 2018 йилда Журналистика ва оммавий коммуникациялар университети ташкил этилган, бир гуруҳ ҳамкасбларимиз қатори Акбар ака ҳам у ерга ишга ўтди. Ҳозир босма ОАВ ва ноширлик иши факультети декани. Акбар ака закий инсон. Жуда кўп ўқийди, шунинг учунми кўп нарсаларни билади. Аммо айримлардан фарқи ўлароқ, агар сўралмаса, билганини айтмайди, бахслашмайди. Мавзу бўйича ўз нуқтаи-назарини кўпчилик билмайдиган бир-иккита факт ва далилни келтириб, билдириб қўяди. Шунинг ўзи етарли бўлади. Суратида сокин кўрингани билан, ботинида маърифатсизлик, ҳақсизлик ва дидсизликка мурасасиз. Аммо буни кўп ҳам юзага чиқаравермайди. Унинг энг кучли қуроли – киноя. У киноялари билан билимсизлик, дидсизлик устидан кулади. Тушунмаганлар аввалига хафа бўлишади, тушунгач эса, у билан ҳисоблашиб, ҳурмат қилишади. Билимдон Акбар аканинг хотираси жуда кучли. У ҳар бир гапига қайсидир китобдан, қайсидир эпизоддан ёки қайсидир қаҳрамоннинг сўзидан ақлбос келтиради. У киши асл киноларни жуда

яхши кўради, ўнлаб машҳур режиссёрларнинг кўплаб киноларини кўргани боис, уларни мутахассис даражасида таҳлил қила олади. Жаҳон ва ўзбек адабиёт ҳақида соатлаб мулоҳаза юритиши мумкин. Жаҳон ва миллий мусиқа санъатини операдан тортиб, оркестр ижросигача, мақомдан тортиб, лирик кўшиқчиликка, ижрочиларнинг усул ва йўлларигача айтиб бера олади. У киши жаҳон чемпионатида иштирок этаётган жамоаларнинг ўйинчиларини номма-ном билади, уларнинг қайси жамоаларда ўйнашини ҳам. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Сиз у билан қайси мавзуда суҳбатлашманг, ўзингизни ўша соҳани яхши билмайдигандай ҳис қила бошлайсиз. Ана шу билимдон одамнинг ўзига яраша камчиликлари ҳам бор. Ҳақиқат ҳаёлар оғушида юради. Сизга бирор мавзу ҳақида соатлаб гапириши мумкин, аммо ёзишга келганда... Жуда кам ёзади. Ҳамма нарсани онгида, тафаккурда, хаёлларида яратади. У ҳеч шошилмайди, баъзан даврнинг шиддатига, вақтнинг ўтишига мослаша олмай ҳуноб бўлади. Айримларнинг шаклбозлигидан, сийқаси чиққан фикрларидан энаси қотиди, ёшлар орасидаги қолипга тушган қарашлар, мақсадсизлик, мантиқсизликка нисбатан чорасизлигидан куйинади. Шунинг учун ёзишдан кўра ўқини фазал билади. Яхши маънода доим талашиб-торти-

шиб юрадиган Акбар ака билан бирга ишлаётганимизга йигирма йил бўлибди. Бир навқирон йигитнинг умрига тенг бу йиллар давомида ўқитувчиликнинг қўвончу ташвишини ҳам, заҳматю ҳузурини ҳам бирга баҳам кўрдик. Мен Акбар акадан жуда кўп нарсани ўргандим ва ҳали-ҳамон ўрганяпман. Учар йиллар ортидан қувиб, Акбар Нурматов ҳам қутлуг 60 ёшни қоралаб қўйибди. Аммо у кишини шунчаки табриклаб бўлмайди. Одамнинг унга нимадир дегиси, миннатдорлик билдиргиси, ҳар қачонгидан кўра кўпроқ ҳурмат кўрсатгиси келади. Акбар акани билганлар у билан боғлиқ қандайдир воқеани ёдга олишади. Ҳеч бўлмаганда, бирор кинодаги гапини эслаб, юзида табассум пайдо бўлади. Ким билсин, балки эсланган воқеадан ўша одам ибрат олиб, ҳаётий ҳулоса чиқаргандир, балки Акбар аканинг кинояси ёки айтган мақолининг мағзини қақиб, унинг ҳақиқатини тан олгандир, эътироф этгандир... Қадрдон Акбар ака! Қутлуг ёшингиз муборак бўлсин! Сиз ўзига хос инсонсиз. Доим шундай бўлиб қолинг!




**Назира ҚУРБОН,**  
ЎзЖОКУ медиа назариси ва амалиёти кафедраси мудири, профессор



Эътироф

**Иброҳим ҒАҒУРОВ,**  
адабиётшунос,  
Ўзбекистон Қаҳрамони:

– Мен «Ishonch» газетаси фаолиятини мунтазам кузатиб бораман. Охири йилларда нашр республикамиз матбуотидаги дадил чиқишлари билан жамоатчилик орасида ўзининг ўрнини мустаҳкамлади. Боиси, унинг саҳифаларида юртимиздаги ислохотларнинг қайноқ нафаси акс этиб туради. Таҳририят ҳар йили газеталарда чиққан мақолаларни саралаб, китоб ҳолида нашр этишни яхши анъанага айлантирган. Бу йилги чоп этилган янги тўплам билан ҳам танишиб чикдим. Унда бузғун куннинг нафаси, сиёсий ислохотларнинг мазмунини, уларнинг ранг-баранглиги аққол уфуриб турибди. Юрагида ўти бор, иқтидорли журналистлар турли жаҳонлардаги ўзаришларга у ёки бу томондан разм солиб, ўқувчининг муносабатини шакллантиришга интилан ва бунинг уddасидан чиққан. Менинг назаримда журналист шундай ёзиши керакки, ўқувчида келажака ишонч уйғониши, унинг ғайратига ғайрат қўшилиши лозим. Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг юртимизда ўтган саммити деъисими, тил борасидаги жонқуярлик билан ёзилган мақолаларни айтмасими ёки мафкура ҳақидаги чиқишларми – ҳамма-ҳаммаси ўқувчиларни ўйлашга, мулоҳаза қилишга ундайди. Тўпламдаги мақолалар шундай таъсир кучига эгаллиги билан ўқувчиларга манзур бўлади. Уларнинг келусида ҳам «Ishonch»ни қидириб ўқишига сабаб бўлишига ишонаман.



**Абдусайд КЎЧИМОВ,**  
Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги директори:

– «Нигоҳ: 2022»да юртимизда бўлиб ўтган барча ҳодисалар, одамларнинг тақдир, соҳалардаги муаммоларни қандай тўзатиши билан боғлиқ мақолалар ўрин олан. Ҳар бир мақола ҳақида кўп гапириш мумкин. Аммо мен улар орасидан бирини алоҳида гапириб ўтишни истардим. Масалан, Аҳмадjon Мелибоев қаламига мансуб «Рънонинг қайтиши» мақоласи санъатга ва адабиётга оид бўлиб туюлса-да, унда қўшқиннинг инсон руҳиятига таъсири, ижтимоий аҳамияти ўқувчининг юрак-юрагига синиб кетадиган даражада қалқона ва юксак маҳорат билан ифодаланган. Бундан ташқари, китоб бузғун замонавий журналистикада маҳоратли ҳамкасбларимиз этишиб келаётгани, улар ҳар қандай мавзуда юксак даражада ижод қилиши мумкинлигини исботлаган. Шу маънода барча ижодкорларни мазкур тўплам билан чин юракдан қутлайман!



**Хуришд ДЎСТМУҲАММАД,**  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты:

– Адабиёт, журналистика ҳар бир даврда ўша пайтнинг оғриқларини, дардларини борича кўрсатишга ҳарақат қилади. Тўпламни варақлаб бир нарсга амин бўлдим. Китобдаги мақолалар 2022 йил руҳиятини тўлалигича қамраб ололган. Бунинг биринчи мақоли масолида ҳам кўриш мумкин. Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси раиси Қудратилла Рафиқовнинг «Дунёни тан олдириш осонми?» мақоласида 2022 йилда мамлакатимизнинг дунё ҳамжамияти томонидан мажбурий меҳнатга барҳам берилган мамлакат сифатида эътироф этилиши, пахта байкотининг бекор қилиниши ва уларнинг ижтимоий-сиёсий аҳамияти жуда кенг ва атрофлича очиб берилган. Мен мана шу мақолани, қолаверса, Хусан Эрматовнинг Қудратилла Рафиқов билан қилган «Тафаккур мустибидлиги жисмоний кулликдан аянчлиқроқдир» деб номланган суҳбатини барча ўқувчиларга ўқини тавсия қилган бўлардим.

**Аҳмадjon МЕЛИБОВЕ,**  
«Жаҳон адабиёти» журналы бош муҳаррири:

– Биласиз, ҳозир юртимизда журналистика соҳасига иштирослашган олий ўқув юртлири кўпайиб қолди. Баъзида бу ўқув юртлирида мутахассислар дарсликлар етишмаяпти, деб нолиб қолишади. Мен ўйлайманки, таҳририятнинг мазкур тўплами шундай ўқув юртлири учун тайёр қўлланма бўлибди. Ундан бемалол дарслик сифатида фойдаланиш мумкин.



## «2022: НИГОХ»:


# Замонавий ўзбек публицистикаси намунаси



Ҳар бир инсоннинг йил сарҳисоби бўлганидек, «Ishonch ва Ishonch-Доверие» газеталари таҳририятининг ҳам йил сўнгида мухлисларига айтар сўзлари бор. Шунга кўра, таҳририят мана бешинчи йилдирки, газеталарда чоп этилган энг сара мақолаларни публицистик тўплам кўринишида ўқувчиларига тақдим этмоқда.

Таҳририят бу йилги сарҳисоб китобини «2022: Нигоҳ» деб номлаган. Пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида ана шу тўпламнинг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Таъбирда Ўзбекистон Қаҳрамони Иброҳим Ғафуров, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты Хуришд Дўстмуҳаммад, Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги директори Абдусайд Кўчимов, «Жаҳон адабиёти» журналы бош муҳаррири Аҳмадjon Мелибоев, «Маънавий ҳаёт» журналы бош муҳаррири Эшқобил Шуккур ва бошқа кўпгина марказий босма нашрлар бош муҳаррирлари, журналистлар ҳамда талабалар иштирок этди. Китоб «Ўйғоқ нигоҳ», «Юрт тараққиёти йўлида бирлашайлик», «Қасаба уюшмалари аралашгач...», «Ishonch» саволлари, «Бизга жавоб берадилар», «Мулоҳаза, мунозара, таҳлил», «Оғриқ тишлар», «Новый Узбекистан – страна больших возможностей» каби бўлимлардан иборат бўлиб, унда йил давомидаги воқеликларга муносабат, таҳлил, шу билан бирга, жамоат ташкилотлари фаолиятига назар, танқид ва тақлифлар ҳам ўрин олган. Тақдимот аввалида адабиётшунос олим Иброҳим Ғафуров сўнги йилларда Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси ҳамда «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари фаолияти ҳақида ўзининг илиқ

Тақдимот



**Эшқобил ШУКУР,**  
«Маънавий ҳаёт» журналы бош муҳаррири:

– «Нигоҳ» сўзининг маъноси – «Тикилиб қараш» деган маънони англатади. «2022: Нигоҳ» номидан ҳам кўришиб турибди, қолаверса, уни варақлаганимизда ҳам шунга амин бўлдикки, у аввало, инсонларнинг нигоҳини ҳимоя қилади. Эркин сўз тарафдори. Тўпламда воқеа-ҳодисаларга чуқур қарашлар акс этган, унда инсоннинг тўғуларини ҳимоя қиладиган, парварииш қиладиган чиқишлар кўпчилиги кўрдим. Бу ҳозирги замонда давр талаб қилаётган хусусиятидир. Сабаби адабиёт, газета-журналлар инсонларнинг ҳис-тўғуларини ўткирлаштириши, тарбиялаши керак. Ижодкорларни янги тўплам билан яна бир бор қутлайман!



**Исмаи ХУШЕВ,**  
«Дунё ўзбеклари» мустақил интернет газетаси бош муҳаррири:

– Мен охири йилларда ушбу газета иккита устоз журналистлар – марҳум дўстимиз Қўрбон Эшмат ва устозимиз Сафар Остонов ҳақидаги хотира мақолаларини чоп этгани учун миннатдорлик билдираман. Анчадан бери кузатиб келаман, таҳририятда яхши ижодий муҳит шакллангандан дарак берса, яна бир муҳим жиҳати, муассис – Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерациясининг нашрларни қўллаб-қувватлаётгани ва жамоанинги ижод қилиши учун барча зарур қўлайликларни яратиб бергандан, деб биламан. Шу боис, ўз номидан ва барча таҳририят ходимлари номидан аввало, муассис ташкилотга ва унинг раҳбариятига юксак эҳтиромимни билдираман. Газетанинги ўқувчилари кўпаяверсин, юртимизда доим тинчлик ҳужм сурсин!



**Тўлқин ҚОЗОҚБОВЕ,**  
«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталарининг биринчи бош муҳаррири:

– Таъбир асосида газета ташкил этилган даврларни эсладим. Мана, ордан 30 йил ўтса ҳамки, шу қадрдон газетанинги ҳамроҳим. Доим кузатиб бораман. Ижодкорларнинг изланишлари, ютуқларидан қувонганам. Бугунги тўплам ҳақидаги илиқ фикрлардан ўтирган меҳмонлар, таҳририят жамоаси қанчалик ҳурсанд бўлса, мен уларни тинглаб, ўн қарра яирадим.

Саидқабар Абдураимов олган суратлар.

**МУАССИС:**





2007 йил 11 январда  
Ўзбекистон  
Матбуот ва ахборот  
агентлигида  
116-рақам билан  
рўйхатга олинган.

«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари таҳрир хайъати:

**Кудратилла РАФИҚОВ**  
(таҳрир хайъати раиси),  
**Улуғбек ЖАЛМЕНОВ,**  
**Анвар АБДУМУХТОРОВ,**  
**Сайфулло АҲМЕДОВ,**  
**Акмал САИДОВ,**  
**Равшан БЕДИЛОВ,**  
**Қутлимурот СОБИРОВ,**  
**Сухроб РАФИКОВ,**  
**Шоқосим ШОИСЛОМОВ,**  
**Ҳамидулла ПИРИМҚУЛОВ,**  
**Нодира ҒОЙИБНАЗАРОВА,**  
**Анвар ҚУЛМУРОДОВ**  
(бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари),  
**Меҳридин ШУКУРОВ**  
(Масъул котиб – «Ishonch»),  
**Валентина МАРЦЕНЯК**  
(Масъул котиб – «Ishonch-Доверие»)

**Бош муҳаррир**  
**Хусан ЭРМАТОВ**

**Бўлимлар:**  
Қасаба уюшмалари ҳаёти – (71) 256-64-69  
Ҳуқуқ ва ҳалқро ҳаёт – (71) 256-52-89  
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт – (71) 256-82-79  
Хатлар ва муҳбирлар билан ишлас – (71) 256-85-43  
Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73

**www.ishonch.uz**  
**сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнги англиклар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишингиз мумкин.**

**Худудлардаги муҳбирлар:**  
Андижон вилояти – (+998-99) 889-90-23  
Бухоро вилояти – (+998-91) 406-43-24  
Жиззах вилояти – (+998-99) 889-90-34  
Наманган вилояти – (+998-99) 889-98-02  
Навоий вилояти – (+998-99) 889-90-28  
Самарқанд вилояти – (+998-99) 889-90-26  
Сирдарё вилояти – (+998-99) 889-98-55  
Сурхондарё вилояти – (+998-99) 889-90-32  
Фарғона вилояти – (+998-99) 889-90-24  
Хоразм вилояти – (+998-99) 889-98-01  
Қашқадарё вилояти – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.  
**Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланishi мумкин.**

**Навбатчи муҳаррир:**  
А. Абдурахмонов

**Мусахҳиқлар:**  
Д. Худойберганова,  
Д. Равшанова

**Саҳифаловчи:**  
Х. Абдужалолов

Босишга топшириш вақти – **23:00**  
Топширилди – **23:20**

Газета офсет усулида, А-2 форматидан босилди.  
Ҳажми 2 босма табақ.  
Бюропта **Г-1206**  
**31168** нусхада босилди.  
Нашр кўрсаткичи: **133**

1 2 3 4 5 6

**Баҳоси келишилган нархда**

**Манзиллимиз:**  
100165, Тошкент шаҳри,  
Бухоро кўчаси, 24-йў.  
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Газета ҳафтанинги сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.  
Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

**Корхона манзили:**  
Буюк Тўрон кўчаси, 41-йў.

**Таҳририят ҳисобрақами:**  
2021 0000 0004 3052 7001,  
АТИБ «Ipoteka bank»  
Яшнобод филиали,  
Банк коди: 00959,  
СТІР: 201133889,  
ОКЭД: 58130